

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИНинг  
2023-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
КОММУНИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ**

**ТОШКЕНТ 2023**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ©

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг**

## **2023-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН**

### **КОММУНИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ**

#### **1-боб. Жорий ҳолат**

Марказий банк фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини ошириш, нархлар, банк тизими ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тизимли етказиб бориш Марказий банк фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Марказий банк фаолияти очиқлиги ва шаффоғлигини ошириш бўйича ислоҳотлар доирасида Марказий банк расмий веб-сайти тубдан қайта ишланиб, унда банк фаолиятининг барча йўналишини қамраб олувчи кенг кўламли маълумотларни жойлаштириш йўлга қўйилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида оммабоп бўлган Telegram, Facebook, Instagram, Twitter, Linkedin ва бошқа ижтимоий тармоқларда Марказий банк расмий саҳифалари (каналлари) ишга туширилиб, улар орқали Марказий банк фаолиятига доир асосий янгиликлар ва маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари, блогерлар ва бошқа медиа соҳаси вакиллари билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги ишлар доирасида мунтазам равишда матбуот анжуманлари, семинар-тренинглар, медиа-турлар ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Марказий банк коммуникация сиёсатининг тизимли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида алоҳида таркибий бўлинма сифатида Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёsat департаменти ташкил этилди ва фаолияти йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Марказий банк фаолияти очиқлиги ва шаффоғлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги беш йилда расмий веб-сайтдаги маълумотлардан фойдаланувчилар сони 2,3 баробарга ошди. Ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифа ва каналлари обуначиларининг умумий сони эса сўнгги уч йилда 4,5 баробарга кўпайди.

Шу билан бирга, Марказий банк коммуникация сиёсати самарадорлигини ошириш юзасидан ҳал қилиниши зарур бўлган қуйидаги масалалар мавжуд:

коммуникация сиёсатини юритишда расмий веб-сайт асосий коммуникация воситаси бўлишини ва барча янгилик ҳамда маълумотларнинг жамоатчиликка биринчи навбатда мазкур канал орқали етказилишини кенг тарғиб қилиш чораларини кўриш зарур;

эълон қилинаётган маълумотларни мақсадли аудиториянинг барча сегментларига улар учун тушунарли шаклда ҳамда бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус ва инглиз тилларида етказилишини таъминлашда муайян камчиликлар мавжуд;

аудитория қамровини ва коммуникация сиёсати чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида коммуникация каналларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур;

жамоатчилик, молиявий тизим ва ОАВ вакиллари билан мулоқотлар, матбуот анжуманлари, семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар сонини сезиларли даражада кўпайтириш талаб қилинади;

халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган усууллар асосида Марказий банк коммуникация сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, даврий асосда коммуникация шархини тайёрлаш ва эълон қилиб боришни йўлга қўйиш зарур;

молиявий барқарорлик ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумотларни кенг жамоатчиликка тизимли етказиш бўйича ишлар қўламини кенгайтириш талаб қилинади;

ички коммуникация сиёсатини, яъни Марказий банк таркибий бўлинмаларининг коммуникация сиёсати чора-тадбирларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини тизимлаштириш керак;

Марказий банкнинг брендини такомиллаштириш, шу жумладан, барча маълумотларни ранг, шрифт ва график стил жиҳатдан ягона ёндашув асосида тайёрлаш ва эълон қилишни жорий этиш зарур;

Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти салоҳиятини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар кенг жамоатчиликни Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати, банк ва нобанк кредит ташкилотлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш, миллий тўлов тизимининг самарали ва узлуксиз фаолиятини олиб бориш ҳамда бошқа йўналишларда амалга оширилаётган чора-тадбирлардан хабардорлигини ошириш бўйича ишлар самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган коммуникация стратегиясини (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур стратегия Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва

ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори ҳамда 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Стратегия хорижий марказий банкларнинг коммуникация сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги илғор тажрибалари ва Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида 2023-2025 йилларда Марказий банк коммуникация сиёсатининг мақсад ва вазифалари, бош тамойиллари, аудиторияси, восита ва каналларини ҳамда уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

## **2-боб. Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини амалга ошириш асослари**

### **2.1. Коммуникация сиёсатининг мақсад ва вазифалари**

Марказий банк томонидан нархлар, банк тизими ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда ушбу тадбирлар мазмун ва моҳиятини жамоатчилик эътиборига етказиш – Марказий банк коммуникация сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- нархлар, банк тизими ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда Марказий банк фаолиятига доир бошқа йўналишларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш ва мазмун-моҳиятини етказиш орқали жамоатчиликнинг Марказий банк фаолияти бўйича хабардорлигини ошириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида иқтисодиётдаги жараён ва ўзгаришлар ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича маълумот ва тушунчаларнинг тўғри шаклланишига кўмаклашиш;
- ички коммуникацияни такомиллаштириш орқали Марказий банк таркибий бўлинмалари ўртасида маълумот алмашинувининг самарали тизимини йўлга қўйиш ва коммуникация маданиятини шакллантириш;
- жамоатчилик билан эркин фикр алмашинув муҳитини яратиш.

## **2.2. Коммуникация сиёсатининг асосий тамойиллари**

Марказий банк томонидан коммуникация сиёсати очиқлик, шаффоффлик, оммабоплик, ишончлилик, аниқлилик, пунктуаллик ва кенг қамровлилик тамойиллари асосида амалга оширилади.

**Очиқлик ва шаффоффлик.** Кенг жамоатчиликда Марказий банк фаолиятининг амалдаги ва келгуси йўналишлари тўғрисида тўлиқ маълумот ва тушунчаларни шакллантириш мақсадида Марказий банк фаолиятига доир маълумотлар мунтазам очиқланиб борилади.

**Оммабоплик.** Марказий банк томонидан амалга оширилаётган чоратадбирлар, қабул қилинаётган қарорлар кенг жамоатчиликка тушунарли шаклда етказиб борилади ҳамда хабарлар оқимида изчиллик таъминланади.

**Ишончлилик.** Марказий банк томонидан эълон қилинаётган маълумотларнинг ишончлилиги ва ўзаро мувофиқлиги таъминланади.

**Аниқлилик ва пунктуаллик.** Марказий банк веб-сайтида жойлаштириладиган маълумотлар (шарҳлар, статистик маълумотлар, Бошқарув йиғилиши қарорлари, пресс-релизлар, Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарларининг нутқ ва маърузалари, бошқалар) тақвими олдиндан эълон қилинади, материаллар доимий равишда тақвимга асосан ўз вақтида барча коммуникация каналларида (расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда) бир вақтнинг ўзида жойлаштирилади;

**Кенг қамровлилик.** Турли коммуникация воситалари ва каналлари асосида мақсадли аудиторияларнинг барчаси қамраб олинади ва кенгайтириш чоралари кўриб борилади.

## **2.3. Мақсадли (таргет) аудитория**

Марказий банк фаолиятига оид масалаларнинг таалуклилиги ва иқтисодий билим даражаларидан келиб чиқсан ҳолда, коммуникация сиёсати чора-тадбирлари қуидаги мақсадли аудиторияларни қамраб олади:

- аҳоли;
- тадбиркорлик субъектлари;
- молия бозори иштирокчилари – тижорат банклари, сугурта компаниялари, нобанк кредит ташкилотлари, молиявий эксперталар ва бошқалар;
- оммавий ахборот воситалари – журналистлар ва блогерлар, мустақил таҳлилчилар ва бошқалар;

– таълим ва илмий соҳа вакиллари – таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган илмий ходимлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар ва бошқалар;

– халқаро ҳамжамият – халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий марказий банклар, хорижий инвесторлар, халқаро рейтинг агентликлари ва бошқалар.

## **2.4. Коммуникация сиёсати каналлари ва воситалари**

Марказий банкнинг расмий веб-сайти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) коммуникация сиёсатининг асосий алоқа канали сифатида хизмат қилади. Марказий банк томонидан эълон қилинадиган барча янгилик ва маълумотлар биринчи навбатда расмий веб-сайтда жойлаштирилади.

Расмий веб-сайт Марказий банк фаолиятига доир ишончли ва тўлиқ маълумотлар жамланган ягона ахборот базаси ҳисобланади.

Марказий банк томонидан эълон қилинаётган маълумотлар қўйидаги алоқа воситалари ва каналлари орқали ҳам тақдим этиб борилади:

– Марказий банк мобил иловаси ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари (каналлари);

– Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган анжуман, форум, семинар ва бошқа тадбирларда Марказий банк ходимлари ва бошқаруви аъзоларининг чиқишилари;

– Марказий банк ходимлари ва бошқаруви аъзоларининг теле ва радио каналларга бериладиган интервьюлари;

– кенг жамоатчилик билан икки томонлама доимий мулоқотлар;

– ОАВ вакиллари учун маҳорат дарслари ва семинар-тренинглар;

– молия бозори иштирокчилари, илмий доиралар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари билан учрашувлар;

– молиявий саводхонликни оширишга қаратилган тадбирлар;

– молиявий хизматлар бўйича [bankxizmatlari.uz](http://bankxizmatlari.uz) ва молиявий саводхонликни оширишга қаратилган [finlit.uz](http://finlit.uz) ахборот порталлари;

– қонунчиликка асосан бошқа алоқа воситалари ва каналларидан фойдаланилади.

Марказий банк томонидан коммуникация сиёсатини юритища етказилаётган маълумотлар мақсадли аудитория сегментларига мос равишда тайёрланади. Бунда шарҳ, пресс-релиз, статистик ва маҳсус ҳисобот, визуал ва график контент, илмий-тадқиқот ва бошқа шаклдаги маълумотлардан кенг фойдаланилади.

Берилаётган маълумот бир нечта аудиторияларга мўлжалланган тақдирда, ушбу маълумот мақсадли аудитория талабларидан келиб чиқиб мослаштирилган кўринишда тақдим этилади.

## **2.5. Ички ва ташқи коммуникацияни ташкил этиш ва тартибга солиш механизми**

Марказий банк коммуникация сиёсатини юритиш ва самарадорлигини оширишга Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти масъул ҳисобланади.

Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти куйидаги вазифа ва функцияларни бажаради:

- Марказий банк ички коммуникациясини самарали ташкил этиш ва тартибга солиш;
- Марказий банкнинг ташқи коммуникациясини амалга оширишда ҳар бир таркибий бўлинма фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар базасини юритиш;
- коммуникация каналларининг контентини тартибга солиш, уларда эълон қилинадиган хабарлар регламентини олдиндан ишлаб чиқиш ва унга қатъий риоя этиш;
- Марказий банк томонидан эълон қилинаётган маълумотларни мақсадли аудиторияларга мослаштириш, ёзув тилини соддалаштириш ҳамда матн кўринишидаги эълонлар ва қисқа ҳажмдаги шарҳлар эълон қилинишини таъминлаш (инфографика, катта ҳажмдаги шарҳларнинг З та тилдаги таржималарини бошқа таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда тайёрлаш);
- таркибий бўлинмалар маълумотларидан фойдаланган ҳолда Марказий банк раиси ва унинг ўринbosарлари учун оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги тадбирлар учун маъruzалар ҳамда тақдимотларни тайёрлаш;
- берилаётган маълумотлар кенг жамоатчиликнинг кўпроқ қисмини қамраб олиши учун мавжуд ресурслардан тўлалигича фойдаланиш ва аудиторияни кенгайтириш бўйича аниқ режаларни ишлаб чиқиш;
- маълумотларнинг тизимили ва белгиланган муддатларда эълон қилинишини таъминлаш, Марказий банк веб-сайтини такомиллаштириб бориш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;
- оммавий ахборот воситалари ва хорижий ахборот ресурслари билан алоқаларни кенгайтириш, улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- халқаро тажрибада кенг кўлланиладиган усуллар асосида Марказий банк коммуникация сиёсати самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш;

– департаментга заруратдан келиб чиқиб бошқа вазифа ва функциялар юклатилиши мумкин.

Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаментига Марказий банк коммуникация сиёсатини юритишда барча таркибий бўлинмалар кўмаклашишга масъулдирлар.

## **2.6. Коммуникация сиёсати самарадорлигини баҳолаш**

Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти томонидан мунтазам равишда турли хорижий ва маҳаллий ахборот платформаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда Марказий банк фаолиятига дахлдор хабарлар, янгиликлар, билдирилган муносабатлар, фикр-мулоҳазалар ва бошқа маълумотлар мониторинг қилинади.

Мониторинг давомида турли хил танқидий ва таҳлилий ахборотлардан дайжест тайёрланиб, Марказий банк раисига, раис ўринbosарларига ҳамда тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига тақдим этилади.

Марказий банк томонидан эълон қилинаётган маълумотларни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаб бориш, каналлар фаоллигини баҳолаш, жамоатчиликнинг Марказий банк ва унинг фаолияти ҳамда берилаётган маълумотлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва доимий мониторинг қилиш, хорижий тажриба асосида коммуникация сиёсати самарадорлигини баҳолаш Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти томонидан амалга оширилади.

Мониторинг ва баҳолаш натижалари асосида Марказий банк коммуникация сиёсати шархи тайёрланади ва эълон қилинади.

## **2.7. Ностандарт вазиятларда коммуникация чора-тадбирлари кетма-кетлиги**

Ички ва ташқи омиллар таъсирида мамлакатда иқтисодий, молиявий ва бошқа ноаниқликлар вужудга келганида Марказий банк нуфузи ҳамда унинг фаолияти натижаларига салбий таъсир кўрсатадиган асоссиз (ёлғон) ахборот оқимлари тарқалганида ва бошқа ностандарт вазиятларда Марказий банк коммуникация сиёсати чора-тадбирлари қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

– Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти томонидан ахборот майдонидаги мавжуд ҳолат тезкорлик билан ўрганиб чиқилиб, Марказий банк раиси ва унинг тегишли ўринbosарларига ахборот киритилади;

– ахборот майдонида асоссиз (ёлғон) маълумотлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида Марказий банк ўзининг расмий позициясини қисқа

муддатда ёзма баёнот, Бошқарув аъзоларининг ОАВда чиқишилари, видео лавҳа ва бошқа коммуникация воситалари орқали билдиради;

– Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсати департаменти томонидан Марказий банк расмий хабарининг тарқалиш тезлиги, аудиториялар қамрови, жамоатчиликда шаклланаётган кайфият ва бошқа кўрсаткичларнинг узлуксиз мониторинги олиб борилади;

– вазият барқарорлашмагунга қадар Марказий банк коммуникацияси кучайтирилган ва эҳтиёткорона режимда олиб борилади.

### **3-боб. Пул-кредит сиёсати коммуникацияси**

#### **3.1. Пул-кредит сиёсати коммуникациясининг аҳамияти**

Иқтисодиётдаги нархлар барқарорлигини таъминлашда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини самарали бошқариш муҳим роль ўйнайди. Бунда пул-кредит сиёсати коммуникациясининг самарадорлиги иқтисодиётда рационал<sup>1</sup> инфляцион кутилмаларнинг шаклланишини белгилайди.

Марказий банк инфляция бўйича ўрта муддатли мақсадни (таргетни) белгилайди ва ўз сиёсати натижалари учун жамоатчилик олдида ҳисобдор бўлади. Белгиланган инфляцион таргетга эришиш мақсадида Марказий банк пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимида олиб боради. Бунда пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкалари ва инфляцион кутилмалар бошқарилади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати бўйича қарорлари, хусусан, асосий ставка бўйича қарорларининг инфляция даражасига ва умуман иқтисодиётга ўтиш жараёни пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми деб аталади.

Сўнгги йилларда инфляцион таргетлаш режимида илгор фаолият юритаётган кўплаб марказий банклар пул-кредит сиёсати коммуникациясига трансмиссион механизмнинг мустақил канали сифатида қарамоқда.

Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми фоиз ставкаси канали, валюта курси канали, кредит канали, активлар нархлари канали ва кутилмалар каналини ўз ичига олади.

#### **3.2. Пул-кредит сиёсати коммуникациясининг мақсад ва вазифалари**

<sup>1</sup> Рационал кутилмалар деганда иқтисодий агентларнинг бозордаги энг яхши маълумотларга асосланб қарорлар қабул қилишларини ва ўтмишдаги тенденциялардан сабоқ олишларини таъкидлайдиган иқтисодий назария тушунилади.

Пул-кредит сиёсати коммуникациясининг асосий мақсади соҳада қабул қилинаётган қарорларни кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда инфляцион кутилмаларни барқарор ва паст даражада шаклланишини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади:

Марказий банк нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимида олиб боради ва ушбу режим шартларидан бири бўлган очиқлик ва шаффофликни таъминлайди;

ахолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш ва пул-кредит сиёсати аҳамиятини яхшироқ ёритиш орқали уларда иқтисодий воқеликлар ҳақида тушунчалар шаклланишига қўмаклашади;

Марказий банкнинг нархлар барқарорлигини таъминлашдаги роли, салоҳияти, инструментлари қатори, таъсир доираси ва бошқа маълумотларни очиқлаш орқали кенг жамоатчилик хабардорлиги оширилади;

пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг моҳияти мақсадли аудиторияларнинг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда кенг ёритилади;

кенг жамоатчилик томонидан қарорлар қабул қилинишида Марказий банк макроиктисодий прогнозларининг, жумладан, инфляциянинг прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш масаласи пул-кредит сиёсати коммуникациясининг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

### **3.3. Асосий ставкани қўриб чиқиш бўйича бошқарув йиғилишлари ва қарорлар коммуникацияси**

Инфляцион таргетлаш режимида пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти асосий ставка ҳисобланади. Асосий ставка бўйича қарорлар ахборот-таҳлилий таъминот вазифасини бажарувчи FPAS (Прогнозлаш ва сиёsat таҳлили) тизими доирасида макроиктисодий таҳлиллар ва прогнозлар асосида қабул қилинади.

Асосий ставка бўйича қарорлар қуйидаги тамойилларга асосланади:

- асосий ставка бўйича қарорлар Марказий банк томонидан мустақил қабул қилинади;
- асосий ставка бўйича қабул қилинган қарорлар кенг жамоатчиликка эълон қилинади ва асослаб берилади;
- жамоатчиликка асосий ставканинг келгусидаги траекториясига оид маълум сигналлар берилади.

Асосий ставкани қўриб чиқиш бўйича Бошқарув йиғилишлари якуни бўйича Марказий банк пресс-релизи эълон қилинади.

Таянч бошқарув йиғилишларидан (чораклик) сўнг оммавий ахборот вакиллари учун Марказий банк раиси иштирокида матбуот анжумани ташкил этилади ва “Пул-кредит сиёсати шарҳи” эълон қилинади.

Тегишли молиявий йилнинг октябрь ойидаги таянч бошқарув йиғилишида пул-кредит сиёсатининг келгуси йиллар учун асосий йўналишларининг дастлабки концептуал лойиҳаси тасдиқланиб, жамоатчиликка кенг муҳокама учун тақдим этилади.

Очиқлик сиёсатини таъминлаш мақсадида Марказий банк пул-кредит сиёсатига оид бошқа статистик ва таҳлилий материалларни ҳамда тегишли макроиқтисодий прогнозларни эълон қилиб боради.

### **3.4. Пул-кредит сиёсати коммуникацияси самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш истиқболлари**

Пул-кредит сиёсати коммуникациясининг самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу орқали мунтазам баҳолаб борилади. Кўрсаткичлар пул-кредит сиёсатига оид эълон қилинаётган материалларнинг сифатини баҳолашда ҳамда жамоатчиликнинг олиб борилаётган коммуникация сиёсатига реакциясини ўрганишда ишлатилади. Ушбу кўрсаткичлар тўплами доимий кенгайтириб борилади ва узлуксиз мониторинг қилинади.

Самарадорлик кўрсаткичлари мониторинги Марказий банк хабарларини жамоатчилик томонидан қабул қилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради ва пул-кредит сиёсати коммуникациясини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Пул-кредит сиёсати коммуникациясини такомиллаштириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- пул-кредит сиёсати коммуникация воситаларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини янада ривожлантириш;
- алоқа каналларини кенгайтириш ва ахборот узлуксизлигини таъминлаш;
- пул-кредит сиёсатига доир маълумотларни аудиторияга қараб, турли мультимедиа воситалари орқали узатиш ҳисобига аудитория кўламини мунтазам ошириб бориш;
- пул-кредит сиёсати коммуникацияси самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш.

## **4-боб. Молиявий барқарорлик коммуникацияси**

### **4.1. Молиявий барқарорлик коммуникациясининг аҳамияти**

Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида тизимли хатарларни таҳлил қилиш марказий банклар ҳамда молия тизимини тартибга солувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Банк сектори Ўзбекистон молия тизимининг энг муҳим бўғини бўлганлиги сабабли унинг барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий мақсадларидан бири сифатида эътироф этилади.

Шу ўринда бу соҳада жамоатчилик хабардорлигини ҳамда Марказий банкинг шаффоғлиги ва ҳисбдорлигини ошириш коммуникация сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

#### **4.2. Молиявий барқарорлик шарҳи ва коммуникация воситалари**

Молиявий барқарорлик бўйича асосий коммуникация воситаси “Молиявий барқарорлик шарҳи” бўлиб, ушбу шарҳ ҳар ярим йилликда тайёрланади.

Бундан ташқари, “Молиявий барқарорлик шарҳи”, Макропруденциал сиёсат воситаларини жорий қилиш ва ўзгартириш бўйича пресс-релизлар, молиявий барқарорликка оид бошқа тадқиқот ва таҳлилий материаллар веб-сайтга ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда жойлаштирилади.

#### **4.3. Молиявий барқарорлик бўйича коммуникация сиёсатининг кейинги босқичлари**

Молиявий барқарорлик масалаларига оид маълумотлар доимий очиқланади.

Молиявий барқарорлик шарҳлари бўйича матбуот анжуманлари ва молиявий барқарорликка оид турли мавзуларда семинар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш орқали мақсадли аудиторияни молия тизимидағи эҳтимолий рисклар таҳлили ҳамда макропруденциал чора-тадбирлар билан таништириб борилади.

Бундан ташқари, ушбу хужжат Марказий банкинг макропруденциал сиёсат асосларини белгилаб бериш билан бирга кенг жамоатчилик учун макропруденциал сиёсатининг моҳияти, асосий тамойиллари, асосий ва оралиқ мақсадлари, макропруденциал сиёсат инструментлари ҳамда асосий атамаларга тушунарли изоҳлардан ташкил топади.

Молиявий барқарорлик шарҳининг энг муҳим жиҳатларини ўз ичига олган инфографикалар тайёрланади ҳамда Марказий банк расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштириш орқали кенг жамоатчиликка тушунарли тилда етказилади.

Макропруденциал сиёсат соҳасидаги қарорлар бўйича пресс-релизлар эълон қилиниб, макропруденциал инструментларни фаоллаштириш ёки

фаолсизлантиришга сабаб бўлувчи омилларни кўрсатган ҳолда қарорнинг асл моҳияти тушунтириб борилади.

Аҳоли ва молия тизими иштирокчиларининг Марказий банкнинг молиявий барқарорлик сиёсатига ишончини ҳамда молиявий барқарорлик, макропруденциал сиёсат ва тизимли хатарлар нима эканлиги, уларнинг молия тизими иштирокчилари ва аҳолининг иқтисодий қарорлар қабул қилишдаги ўрнини ошириш мақсадида Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти билан ҳамкорликда қисқа видео роликлар ва интервьюлар ташкил этилади.

## **5-боб. Тўлов тизимлари фаолиятига доир коммуникация чора-тадбирлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ти Қонунининг 5-моддасига кўра, тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тўлов хизматлари бозорида амалиётга жорий этилаётган инсон омилисиз бошқариладиган янги тўлов хизматларидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини доимий равишда хабардор қилиш, kontaktсиз QR-код ва NFC-технологиялари орқали тўловларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш, тўловларни 24/7 режимида амалга оширишни ва масофавий банк хизматларидан фойдаланишни мижозлар ўртасида кенг оммалаштириш ва тарғиб қилишда, тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлашда коммуникация сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Тўлов тизимлари фаолиятига доир коммуникация сиёсатини олиб борища асосан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янги ва замонавий тўлов хизматлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш ҳамда тўлов хизматлари бозорида олиб борилаётган ишлар ва яратилаётган имкониятлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш қуидаги коммуникация воситалари орқали амалга оширилади:

- янгилик қўринишидаги хабарлар;
- видео роликлар ва инфографикалар;
- тўлов тизимлари фаолиятининг йиллик шарҳи;
- статистик маълумотлар.

Бунда тўлов хизматлари бозоридаги янгиликлар ва соҳада олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва оддий фуқарога Марказий банкнинг коммуникация каналлари орқали ўз вақтида, тўлиқ ва халқчил тилда етказиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

## **6-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари**

### **6.1. Аудитория қамровини ва коммуникация сиёсати чоратадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида коммуникация воситалари ва каналлари қаторини кенгайтириш:**

- Марказий банк томонидан эълон қилинадиган хабар, пресс-релиз, шарх, инфографика, видеолавҳа ва бошқа шаклдаги барча маълумотларни бир вақтнинг ўзида 3 та тилда – ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилишини таъминлаш;
  - эълон қилинадиган асосий маълумотларни мақсадли аудитория сегментлари учун уларнинг эҳтиёжлари, иқтисодий билим ва кўнималарини инобатга олган ҳолда мослаштириш бўйича ишларни кенгайтириш;
  - имконияти чекланган шахслар учун қулай шаклда маълумотлар тайёрлаш ва фойдаланувчиларга етказишни йўлга қўйиш, шу жумладан, видео лавҳалар, матбуот анжуманлари ва бошқа чиқишлиарни телеканалларда узатишида сурдо-таржимон хизматларидан фойдаланишини жорий қилиш;
  - илғор чет эл марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида замонавий технологияларга асосланган янги коммуникация воситалари ва каналларини жорий қилиш;
  - Марказий банк расмий веб-сайтини асосий коммуникация каналига айлантириш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналларда асосий хабар ва маълумотларни фақат расмий веб-сайт орқали (ҳавола қилиш йўли билан) жойлаштириш амалиётига тўлиқ ўтиш;
  - расмий веб-сайтни фойдаланувчилар учун соддалаштириб бориш ва сайт бўйича навигацияни осонлаштириш, веб-сайтни оммалаштиришда қидирув платформаларида веб-сайт трафики сифати ва миқдорини яхшилаш процессидан фойдаланишини йўлга қўйиш (Search Engine Optimization);
  - Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналларини аудитория ва маълумот туридан келиб чиқиб ривожлантириш;
  - Марказий банк фаолиятида қўлланиладиган мураккаб иқтисодий атамалар бўйича изоҳли луғатни (глоссарий) такомиллаштириб бориш;
  - Марказий банкнинг брендини такомиллаштириш, шу жумладан, барча маълумотларни ранг, шрифт ва график стил жиҳатидан ягона ёндашув асосида тайёрлаш ва эълон қилишини жорий этиш;
- ### **6.2. Жамоатчилик, молиявий тизим ва ОАВ вакиллари билан мулокотлар, матбуот анжуманлари, семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар ўтказиш қўламини кенгайтириш:**
- иқтисодиёт ва банк-молия соҳаси мутахассисларини ҳамда илмий доираларни (профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар) Марказий банкнинг

коммуникация сиёсатини амалга ошириш жараёнига кенг жалб қилиш, улар билан долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш юзасидан ўтказиладиган давра сухбатлари, семинар-тренинглар ва очиқ муроқотлар сонини ошириш;

- оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ва мустақил экспертлар билан медиа-муроқот, медиа-тур ва семинар-тренинг (off the record) шаклидаги учрашувларни ўтказишни кўпайтириш орқали улар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;
- коммуникация тадбирларининг худудий қамровини кенгайтириш мақсадида худудларда маҳаллий ОАВ вакилларини жалб қилган ҳолда очиқ муроқот, медиа-тур, матбуот анжуманлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишини йўлга қўйиш;
- Марказий банкнинг нархлар барқарорлиги, банк тизими ва тўлов тизимлари барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган фаолияти тўғрисида “Дунё” ахборот агентлиги орқали хориждаги аудиторияга етказилишини йўлга қўйиш.

### **6.3. Халқаро тажрибада кенг кўлланиладиган усуллар асосида Марказий банк коммуникация сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш:**

- Марказий банк фаолияти очиқлигини халқаро амалиётда кенг кўлланиладиган “Dincer & Eichengreen transparency Index” ҳамда “Central Bank Transparency Code (CBT)” кўрсаткичлари асосида баҳолашни йўлга қўйиш;
- Марказий банк томонидан барча тилларда эълон қилинаётган маълумотларнинг кенг жамоатчилик учун тушунарлилик даражасини Флеш кўрсаткичи (Flesch Reading Ease test), SMOG, ARI ва бошқа замонавий усуллар асосида доимий баҳолаб боришни жорий қилиш;
- Марказий банк коммуникация воситалари ва каналларининг сон ҳамда сифат кўрсаткичларини ва аудитория қамрови, кузатувчиларнинг фаоллик кўрсаткичлари, берилган маълумотларга реакцияси, кайфиятлар соғ даражаси (net sentiment rate) ва бошқа кўрсаткичларнинг доимий медиа мониторингини тизимли асосда амалга оширишни йўлга қўйиш;
- жамоатчиликнинг Марказий банк ва унинг фаолияти ҳамда берилаётган маълумотлар тўғрисидаги фикр-муроҳазаларини сўровномалар орқали ўрганишни даврий асосда амалга оширишни жорий этиш;
- Марказий банкнинг коммуникация сиёсати шарҳини даврий асосда тайёрлаш ва эълон қилишни йўлга қўйиш.